Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 21 сентябрь сешанба

Сотувда эркин нархда № 187 (2225)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## АНЪАНАВИЙ ТЕННИС ТУРНИРИ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимиз Тошкентда дунёнинг 26 мамлакатидан 80 га яқин спортчи иштирок этган "Президент Кубоги" халқаро теннис турнири якунланди. Жаҳоннинг энг танқли теннис усталари беш кун давомида бош соврин учун кураш олиб бордилар. Ўйинларнинг ўта муросасиз ўтганлигини, барча турнир қатнашчиларининг умумий маҳорат даражаси юқори эканлигини шундан билиш мумкинки, АТР Tour таснифида энг юксак поғоналарни эгаллаган аксарият теннисчилар дастлабки давралардаёқ мағлуб бўлди. Бу эса турнирнинг мавқеи нақадар баланд эканлигининг яна бир ифодасидир.

18 сентябрь куни "Президент Кубоги" халқаро теннис турнирининг жуфтлик ва якка тартибдаги финал учрашувлари бўлиб ўтди. Аввал, "Юнусобод" спорт мажмуининг марказий кортида ҳамюртимиз Олег Огородов ва швейцариялик Марк Россе жуфтлиги билан америкалик Марк Кайл ва швейцариялик Лоренцо Манта ўртасидаги финал учрашув ўтказилди. Ўзаро тенг курашда ўтган ўйинда О.Огородов ва М.Россе 7:6, 7:6 ҳисобида ғалаба қозонди. Бу муваффақиятнинг аҳамияти шундаки, биринчи бор Ўзбекистон вакили АТР Tour доирасидаги турнирда ғолиблар сирасига кирди. О.Огородовнинг зафари мамлакатимизда спортнинг бу тури тобора ривожланиб бораётганлигининг яна бир намойиши бўлди.

Турнирнинг финал учрашувига йиғилган республика ҳукумати аъзолари, вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари, спорт мухлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб олдилар.

"Президент Кубоги" турнирининг финал баҳсида германиялик Николас Кифер ва швейцариялик Жорж Бастл куч синашди. Маҳорати бир мунча юқори бўлган Николас Кифер 6:4, 6:2 ҳисобда ғалаба қозонди.

Шундан сўнг "Президент Кубоги" халқаро теннис турнирининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Олтинчи бор ўтказилган "Президент Кубоги" турнири ниҳоясига етмоқда, деди Йўлбошчимиз. Мана шу беш кун давомида биз ҳаммамиз бу кортларда ўтказилган учрашувларни катта қизиқиш билан томоша қилдик.

Ислом Каримов мусобақалар жуда юксак даражада ўтказилганлигини таъкидлаб, бу ишга ҳисса қўшган барча ташкилотчиларга миннатдорлик билдирди.

— Бу мусобақаларнинг даражаси, мавқеи, аввалам бор, унда жаҳон теннисн юлдузларининг иштироки билан белгиланади, — деди Президент. — Шу боис, турнирда қатнашган барча катта теннис усталари — Е.Кафельников, Г.Руседски, К.Кучера, Д.Вацек ва бошқаларга ташаккур изҳор этаман. Шу билан бирга ўзининг ажойиб ўйини билан барчани ҳайратга солган ёш теннисчиларнинг турнирдаги муваффақиятли иштирокини алоҳида қайд этмоқчиман. Уларнинг жаҳон теннис майдонида ўз ўрнини эгаллаш истаги билан кўрсатган чиройли ўйинлари турнирга ўзига хослик бахш этди.

Мамлакатимиз раҳбари барча теннис ихлосмандларини ўзбекистонлик Олег Огородовнинг жуфтлик баҳсидаги ғалабаси билан қутлади.

Менимча, бу мусобақаларда мағлублар йўқ, деди Юртбошимиз. Чунки, узоқ-яқиндан келиб турнирда иштирок этган спортчилар халқимизнинг, теннис мухлисларининг эътиборини ҳис этдилар, улар орасида ўзларининг минглаб ишқибозларига эга бўлдилар. Бу — уларнинг катта ютуғидир.

Давлатимиз раҳбари мусобақаларнинг бундай юксак савияда ўтишини таъминлаган турнир ташкилотчилари, ҳакамлар, ўйинларни кенг ёритган оммавий ахборот воситалари ходимларига миннатдорлик билдирди.

Ислом Каримов "Президент Кубоги" халқаро теннис турнирининг ғолиби Николас Киферга бош совринни топширди. Н.Кифер бундай нуфузли турнирнинг бош ташкилотчиси — мамлакатимиз Президентига самимий ташаккур изҳор этди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари финал иштирокчиси Жорж Бастлга турнирнинг махсус совринини топширди.

**Беҳзод УСМОН,**
**ЎзА мухбири**



**СУРАТДА: Турнирнинг ёпилиш маросимидан лавҳа.**
**А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

*Сўз — турнир ғолибларига*

**Николас КИФЕР (Германия):**

### ТОШКЕНТ МЕНГА ҚАДРДОН БЎЛИБ ҚОЛДИ

— Ўзбекистонда иккинчи бор бўлишим. Аммо онгу шууримда шундай бир туйғу пайдо бўлдики, юртингизга жуда кўп марта келгандайман. Кортга чиқишимни олқишлар ила қарши олган ҳар бир томошабин худди яқин қадрдонимдек. Бунинг боиси, олдин ҳам кўп бора эшитганим — халқингизнинг меҳмондўстлигидан, ҳар бир хорижий фуқаронинг ҳурматини ўз ўрнига қўйишидан, деб биламан.

Биласизми, Тошкент кортларида ўзимни эркин ҳис қиламан, қандайдир ишонч билан дадил ўйнайман. Одамнинг ўз ҳаракатига ишончи эса бор маҳоратини намойиш этишга, пировардида ғолиблик сари етаклайди. Бу йилги турнирда бош соврин эгаси бўлишим ҳам ана шундай эркин ва ишончли ҳаракатларим самараси деб биламан.

Е. Кафельников, Грег Рузетски, Карл Кучеро сингари теннис юлдузларининг мағлубиятини «сенсация» деб қабул қилмаслик лозим. «Юлдуз»лар дунёнинг нариги бурчагидаги шаҳардан бу чеккасидаги шаҳарга келиб маҳаллий иқлимга мослашиб улгурмаслиги, йўлда толиқиши мумкин. Буларнинг барчасини енгиб ўтиш учун қанчалик мустаҳкам ирода талаб қилиниши ўзингизга маълум. Бундан ташқари, омад деган гаплар бор.

Бир йилнинг ўзида қанча-дан-қанча мусобақада қатнашамиз. Аммо ҳар бир турнирнинг бош соврини битта. Демак, ғолиб бир киши бўлади, яъни омад ягона инсонга кулиб боқади. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Айтгандай, жаноб Ислом Каримов мени бағрига босиб самимий сўрашган биринчи Президент. Ҳеч қачон давлат раҳбаридан соврин қабул қилиб олмаганман. Бу умримдаги энг унутилмас дақиқалар бўлиб қолади. Президент ўз қўли билан кийдирган ўзбек миллий либоси эса энг қадрли шахсий мулкимга айланиши шубҳасиз. Насиб қилса, «Президент кубоги-2000»да ҳам Тошкентга келиш ниятим бор. Ахир шундай меҳмондўст диёрга ташриф буюришни ким ҳам орзу қилмайди, дейсиз.

Бизга энг замонавий қулайликларни яратиб берган ташкилотчиларга, ҳомийларга, ҳеч кимдан ширин сўзини аямайдиган ўзбек халқига миннатдорчилик билдираман.

**Жорж БАСТЛ (Швейцария):**

### ЁРДАМИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ, ЎЗБЕК ТОМОШАБИНЛАРИ!

— Юртингизда ўн кун бўлдим. Ана шу ўн кун, энг аввало, ҳаётимдаги завқли, мазмунли, омадли дамлар бўлди десам, ишонаверинг. Ахир мен бундай нуфузли мусобақада илк бор финалгача етиб келдим. Иккинчидан, Тошкент турнири маълум бир босқични босиб ўтишимда — ўртамиёна ўйинчилар қаторидан кучлилар сафига киришимда ўзига хос босқич бўлди. Профессионал теннисга кириб келганимга эндигина бир йилдан ошган бўлса-да, дунёнинг ҳар қандай катта ракетка дарғаси билан беллаша олишимга амин бўлдим.

Биринчи финал учрашувимдан, тўғриси қониқиш ҳосил қилдим. Ҳам мағлубиятга учраш, ҳам ўз ҳаракатингдан мамнунлик инсонда камдан-кам бўлади. Аммо бош соврин эгаси бўлишни жуда-жуда истагандим. Ҳаммангиз кўрдингиз, биринчи сетни аъло даражада бошладим. Ўйиннинг еттинчи-саккизинчи геймига бориб юксак маҳорат ғалабанинг асоси эканлиги ойдинлашиб қолди. Халқаро майдонларда тўплаган тажрибаси, техник маҳорати менга нисбатан кўпроқ бўлган Кифер ана шунинг учун ҳам шоҳсупанинг биринчи поғонасини банд қилди. Лекин қайтариқ бўлса ҳам айтай, саралаш гуруҳидан чиқиб, финалгача етиб келганимдан мамнунман. Балки, олдинги суҳбатимизда таъкидлаганимдек, ғолибона юришларим — юлдузли онларим Тошкентдан бошланса не ажаб.

Ҳар бир беллашувда томошабинларнинг самимий қўллашини ҳис қилиб турдим. Турнирнинг ҳал қилувчи учрашувигача етиб келишимда ўзбекистонлик мухлисларнинг кўмаги катта бўлди. Шунинг учун ҳам таржимонлардан, «Ёрдамингиз учун раҳмат, саломат бўлинг!», деган сўзларни ўзбек тилида талаффуз қилишга ўргатишларини илтимос қилдим ва мусобақаларнинг тантанали ёпилиш маросимида миннатдорчилик изҳори сифатида бунинг уддасидан чиқдим.

Шахсан Президент жаноблари кийдирган ўзбекча чопон ва дўппи, ўзбекистонликлар ҳақидаги илиқ таассуротлар мени анчагача ҳаяжонда сақлаши табиий. Юртингизда теннис ривожи янги поғонага кўтарилган. Буни етишиб чиқаётган ёш спортчилар мисолида кўриб турибмиз.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Озод БЕК ёзиб олди.**

*Сайловлар олдидан*

## ЭРКИНЛИК ВА МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

**Мустақилликнинг саккиз йили бизни жуда кўп нарсага ўргатди. Фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш соҳасида маълум бир тасаввурга эга бўлиб қолмасдан, балки ана шу улуғ қадриятларнинг пойдевори қўйилди. Бугун Ўзбекистонда турмуш тарзини демократлаштириш жамиятни эркинлаштириш асосида вужудга келаяптики, бу ижтимоий-сиёсий жараёнлар туб моҳиятини белгилайди. Жумладан, инсон ўзини эркин ва озод ҳис этмоқда. Озодлик ва ҳуррият нима эканлигини, унинг мазмун-моҳияти нималардан иборат эканлигини тобора чуқурроқ тушуниб бормоқда.**

Эркин сўз, эркин фикр ва озод ҳаёт Ўзбекистонда тобора шаклланиб бораётган миллий давлатчилигимиз таянчи бўлиб қолди. Зотан, фақат ана шу йўл билангина бугун Ўзбекистон фуқароси давлат бошқарувига фаолроқ, эркинроқ иштирок этмоқда. Ҳокимият бошқаруви органлари таркибига ўз вакиллари орқали таъсир ўтказмоқда.

Ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий таянчи қонундир. Ўзбекистонда мустақиллик даврида қонун яратиш ва уни ҳаётга жорий этишнинг янги механизми яратилди, десак хато қилмаймиз. Мустақиллик даврида қабул қилинган 350 дан ортиқ қонуннинг инсон манфаатларини ҳимоя қилувчи таянч сифатида ишлаётгани ва уларни яратиш жараёнида тўпланган катта тажрибалар фикримизнинг далилидир. Бу масаланинг бир томони.

Масаланинг яна бир муҳим иккинчи томони ҳам бор. Бу бевосита фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари. Айни демократик жамиятда, инсон ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланган шароитда унинг ҳокимиятга, давлат бошқарув тизимига муносабати алоҳида аҳамиятга эга. Чунки демократик давлатларда сиёсий ҳокимиятни қўлга киритишининг ягона ва қонуний усули бу сайловлардир. Фақат сайловлар орқалигина ҳокимият учун курашиш мумкин. Сайловлар натижасига кўра халқни ҳукмрон сиёсий партиялар давлат раҳбарларини ваколат муддати даврида олиб борган сиёсатига, фаолиятига объектив баҳо берилади. Агар сиёсат халқ манфаатларини ўйлаб олиб борилган бўлса, сайловчилар албатта ўз раҳбарлари ва сиёсий партияларни қўллаб-қувватлайдилар. Бу бевосита сайловларда иштирок этиш орқали фуқаронинг сиёсий маданиятини, жамиятга дахлдорлилик туйғусини ва ҳокимият бошқарув тизимига бефарқ эмаслигини, аксинча бу тизим ҳар бир инсон тақдири ва истиқболи учун муҳим аҳамиятга эгалигини кўрсатади. Фуқаронинг сайловларга иштироки, хусусан онгли иштироки, жонли муносабат билдириши ва муносабат орқали ўз хоҳиш иродасини кўрсата билиши сайловчининг ҳам, жамиятнинг ҳам сиёсий даражасини, ижтимоий-маънавий қадриятини белгилайди.

Сайлов демократиянинг муҳим қисми, бошқача қилиб айтганда, кўзгусидир. Ана шу кўзгу орқали биз фуқароларнинг маънавий-руҳий қиёфасини ҳам, жамиятнинг сиёсий-ижтимоий қудратини ҳам яққолроқ кўрамиз. Шунинг учун сайловга тайёргарлик ва уни уюшқоқлик билан ўтказишни ташкил этиш ҳамма вақт ҳар қандай жамиятда алоҳида аҳамият касб этади. Сайловнинг юксак сиёсий фаоллик билан ўтказилиши мамлакатнинг нафақат ички, балки ташқи сиёсатига ҳам, унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган мавқеи, обрў-эътибори ва нуфузини ҳам белгилайди. Жамоатчилик қайси мамлакатда сайлов қандай тартибда ўтказилаётганлиги, сайловчилар унга қандай муносабат билдиришаётганлиги, умуман иштирокига қараб баҳо берадилар. Демак, сайлов жиддий сиёсий-ижтимоий, маънавий, халқаро майдондаги таъсир кучи воситасидир. Унга албатта ана шундай ёндошишимиз, ана шу нуқтаи назардан баҳо бермоғимиз лозим. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов **«Бизнинг мақсадимиз — сайловларни Конституциямиз ва қонунларимиз, шу билан бирга халқаро демократик қонун-қоидалар андозалари асосида ва уларга тўла риоя қилиш заминида ўтказишдир. Умумэътироф этилган халқаро меъёрлар, илғор демократик давлатларнинг ижобий тажрибасини қўллаш мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори юксалишига хизмат қилади»** — деган сўзлари билан бўлажак сайловлар аҳамиятини аниқ кўрсатиб берди.

Фуқароларда табиий бир савол туғилиши мумкин. Ахир давлатимиз ҳам, Олий Мажлисимиз ҳам, Президентимиз ҳам, Конституциямиз ҳам ажойиб, халқ булар билан фахрланади. Шундай экан, ўнта, юзта ёки мингта одам сайловларда қатнашмаса ҳеч бир зарари йўқ-ку! Нега энди сайлов ҳақида шунча кўп қайғуриш керак?

Бундай саволнинг туғилиши табиий. Ҳозирги кунда энг ривожланган демократик давлатларда ҳам овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган барча фуқаролар сайловларда тўлиқ иштирок этади, деб ҳисоблаб бўлмайди. Умуман хорижий мамлакатлардаги сайловларда абсентизм тушунчаси кенг тарқалган. Бу, айниқса, АҚШ, Франция мамлакатларида кенг тарқалган.

Сайловларда абсентизм дегани сайлов ўтказиладиган куни овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган сайловчини сайловларда иштирок этишдан воз кечиши тушунилади.

(Давоми 2-бетда).

## БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ҳурматли конференция қатнашчилари!

Хорижлик азиз меҳмонлар!

Ўзбекистоннинг қадимий, гўзал ва саховатли диёрида барчангизни сидқидилдан қутлайман.

Жуда қадим замонлардаёқ, икки минг йилдан кўпроқ вақт муқаддам бизнинг ўлкамиз орқали Буюк Ипак Йўли ўтган бўлиб, Шарқ ва Ғарб мамлакатларини боғлаган эди. Буюк Ипак Йўлининг ғоят катта кенгликларида, у мавжуд бўлган бутун давр мобайнида савдо-сотиқ, турли маданиятларнинг бир-бирини бойитиши фаол давом этиб келди, бу эса кўпгина мамлакатлар ҳамда бутун-бутун халқларни иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришда, умумбашарий цивилизацияни тараққий эттиришда ғоят катта рол ўйнади.

Бугун ҳам, глобаллашув асрида, мамлакатлар ва бутун-бутун минтақалар ўртасидаги интеграциялашув жараёнлари жўшқин авж олиб бораётган асрда тарихий Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш ғоясини рўёбга чиқариш тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий тараққиётни ривожлантириш, иқтисодий ўсиш ва кишилар фаровонлигини ошириш ишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Европа-Кавказ-Осиё замонавий транспорт йўлагини бунёд этиш Евроосиёдаги кўпгина мамлакатлар билан халқлар ўртасида иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва маънавий ҳамкорликни ривожлантириш учун янги истиқболлар очади. Мамлакатларнинг Трансевропа ва Трансосиё транспорт тармоқларига муқобил тарзда, яна ҳам барқарор кириб боришлари учун фавқулодда муҳим имконият очади. Лойиҳада қатнашувчи мамлакатларнинг ўзаро манфаатли ташқи савдо фаолиятини авж олдиришда янги имкониятлар яратади.

Энг муҳими эса шундаки, мазкур улуғвор лойиҳани амалга ошириш турли миллатлар ва динларга мансуб одамлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишонч мустаҳкамланишига кўмаклашади, бу эса умумий хонадонимиз - Ер сайёрасига тинчлик ва хавфсизлик гарови бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш лойиҳаларини рўёбга чиқаришда қатнашишга ғоят катта аҳамият бермоқда. Республиканинг шарқий ва шимоли-ғарбий минтақаларини боғловчи транзит автомобил йўлларини қуриш ва уларнинг барча участкаларини таъмирлаш ишлари собитқадамлик билан олиб борилмоқда. Қамчиқ ва Резак довонларида баланд тоғ бағридаги иккита тоннель қурилиши рекорд даражада қисқа муддатларда, шу йилнинг ўзидаёқ ниҳоясига етказилади.

Ишончим комилки, Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлагини ривожлантириш бўйича лойиҳада қатнашувчи мамлакатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари жуда қисқа вақт ичида ўз самараларини беради.

Ушбу конференция, унда муҳокама этилаётган масалалар халқларимизнинг тақдири учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган қадимий Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш ва ривожлантириш борасидаги миллатлараро лойиҳани амалга оширишда янги омил бағишлашига ишончим комил.

Конференциянинг барча қатнашчиларига муваффақиятли ва самарали ишлашларини тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## *БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ТИКЛАНМОҚДА*

Пойтахтдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш бўйича халқаро конференция бошланди. У "Ўзавтойўл" концерни ташаббуси ҳамда Халқаро йўл федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманни Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Р.Юнусов очиб, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг тадбир иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Мазкур конференция илгари бўлиб ўтган анжуманлардан кун тартибига киритилган мавзулар кўламининг кенглиги ва иштирокчиларнинг кўплиги билан ажралиб туради. Унда Марказий Осиё давлатларидан ташқари Хитой, Туркия, Грузия, Озарбойжон, Сурия ҳамда қатор бошқа мамлакатлардан, шунингдек, БМТ, Халқаро йўл федерацияси сингари нуфузли халқаро ташкилотлардан вакиллар қатнашмоқда.

Буюк Ипак Йўли деганда, киши кўз ўнгига бундан минг йиллар илгари саҳрою даштлардан ўтган савдо карвонлари келади. Шуни айтиш жоизки, қадимда бу карвонлар бир минтақадан иккинчи минтақага савдо моллари ташиш баробарида, Шарқу Ғарбни бир-бирига боғлаган, халқлар ўртасида ҳам иқтисодий, ҳам маданий ришталар ўрнатган. Бу робита илм-фан тараққиётида, миллатларни бир-бирининг урф-одатлари билан таништиришда катта аҳамият касб этган.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТГА ОИД

Ўш вилоятининг жанубида вазият мураккаб ва кескинлигича турибди. Жангарилар тўдаларининг Қирғизистон Республикаси ҳукумат қўшинлари бўлинмаларига қарши ҳаракатлари авж олаётгани қайд этилмоқда.

Шу йил 18 сентябрда 100-120 нафарга яқин жангари Сирт аҳоли пункти яқинида ҳукумат қўшинларининг бўлинмалари эгаллаб турган жойга ҳужум қилди. Жангарилар орасида ўлдирилганлар ва ярадорлар, қишлоқ аҳолиси орасида қурбонлар бор, вайронагарчиликка ҳам йўл қўйилган. Жангарилар 6-8 километр масофага, Тескей аҳоли пункти томонига чекинди.

Тўқнашув бўлган жойларни текшириб кўздан кечириш чоғида бир бандитнинг мурдаси топилди. У жангарилар гуруҳининг командири Абдулазиз Йўлдошев экани аниқланди. Унинг ҳалок бўлганини Қирғизистон Хавфсизлик Кенгаши котиби П.Жонузоқов ҳам тасдиқлади. Унинг сўзларига қараганда, жангариларнинг талафоти ўлганлар ва ярадор бўлганлар билан 15 кишига етади.

Ўш вилоятидаги уруш ҳаракатларида Тожикистон, Афғонистон, Покистон, Чеченистон ва айрим араб мамлакатларидан ёлланганлар иштирок этаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар тасдиқланмоқда.

Тожикистон Бирлашган мухолифати ҳарбий командирлари жангариларни фаол қўллаб-қувватламоқда. Қирғизистон ҳудудидаги жангариларга Қоратегин зонасидан, шунингдек Кабодиён ва Шаартуз шаҳарларидан қурол-яроғ, ўқ-дори ва озиқ-овқат келиб турибди.

Тўқнашув чоғида жангарилар маҳаллий аҳолидан "жонли" қалқон сифатида фойдаланиб, уларнинг панасида жанг майдонидан чиқдилар. Маҳаллий аҳолидан 20 га яқин киши шу вақтга қадар уйларига қайтмади, жангарилар уларни гаровга ушлаб турган бўлса керак, деган тахминлар бор.

Жангарилар ўзлари назорат қилиб турган ҳудудда маҳаллий аҳолини тунашни давом эттирмоқда. Улар асосан иссиқ кийим ва озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб олишмоқда.

Сой қишлоғи атрофида жанг ҳаракатлари авж олгани туфайли бу қишлоқ аҳолисидан 1500 киши кўчирилди. Бундан ташқари, мактаб ёшидаги 465 бола Ўш вилоятининг Боткен ва бошқа туманларидаги аҳоли пунктларига олиб кетилди.

Жангарилар Қирғизистон ҳудудида эгаллаб турган жойларида мустаҳкамланиб олишларига йўл қўймаслиги учун бирлашган қўшинларнинг барча бўлинмаларида Қирғизистоннинг Ўш вилояти ҳудудига суқилиб кирган жангарилар тўдаларини қуршаб олиш ва қириб ташлаш юзасидан қўшинлар операцияларини ўтказишга тайёргарлик тадбирлари тугалланмоқда.

**(ЎзА).**

*Сайловлар олдидан*

# ЭРКИНЛИК ВА МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Унинг асосий сабаби сайловчиларни кўп ҳолларда биринчидан, партияларнинг сайлов дастурларига, ваъдаларига ишонмаслик бўлса, иккинчиси фуқароларни сиёсий, ҳуқуқий онгини пастлиги, уларда фуқаролик позицияси етарли эмаслигидадир.

Айниқса, ўтиш даврида фуқароларни сайловда фаол иштироки муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу даврда миллат, халқнинг келажаги, тақдири ҳал бўлади. Агар бу даврда халқ тўғри йўл тутса ва муносиб, халқ ғамини, унинг манфаатларини ўйловчи фидоий инсонларга овоз берса, мамлакатда тинчлик, тотувлик, яратувчилик ҳукм суради, халқнинг манфаатлари жамият ҳаётида устувор бўлади.

Бунга ёрқин мисол Ўзбекистонда Олий Мажлис ва Президентликка ўтказилган аввалги сайловларда сайловчилар номзодларда янглишмаганликлари туфайли мамлакатимиз жуда қисқа муддатда катта ютуқларни қўлга киритди. Бунинг акси собиқ иттифоқ таркибида бўлган МДҲ давлатларининг баъзиларида эса сайловларда фақат ўз манфаатлари, қуруқ сафсатабозлик, амалга ошириб бўлмайдиган ваъдалар ва дастурларни асл маъносини тушуниб етмаслик эса шу давлат турли органларининг бир-бирига қарши туриши ва охир оқибатда, бошбошдоқлик, сиёсий, иқтисодий танглик ва турли тўқнашувларга сабаб бўлаётгани, бундан эса аввало, оддий фуқаро жабр чекаётгани ҳозирги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Биз, сайловчилар шуни яхши билиб олишимиз керакки, давлатнинг куч-қуввати, ютуқлари, шаъни олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсати халқнинг онгли равишда қўллаб-қувватлашига боғлиқ, оддий фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, қолаверса, ҳаммамизнинг эрк ва иродамизга боғлиқдир. Шунинг учун, бизнинг ҳаммамиз фуқароларнинг сайловда фаол қатнашишидан манфаатдормиз. Ташвиқотчилар, ташкилотчилар ва барча фаоллар доимо аҳоли билан ишлаши зарур, давлат ҳокимияти ва халқ ўртасидаги бирликни, муштаракликни, яқин муносабатларни мустаҳкамлаши лозим.

Бирон-бир фуқарога эътиборсиз қараш — бу ҳам унинг ўзига, ҳам унинг оиласига, яқин таниш-билишларига, ҳам халқ манфаатларига эътиборсиз қараш демакдир. Уни ҳеч биримиз, ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Сайловлар вақтида мана шу қоида шубҳасиз синовдан ўтади. Сайловчиларни баландпарвоз гаплардан кўра кўпроқ уларнинг оддий манфаатларини кўзда тутиш, шаънини ҳимоя қилиш, орзу-истаклари ва интилишларини жамият ва давлат мақсадлари билан уйғунлаштириш, шу асосда ҳудудларнинг фаровонлиги, элнинг осойишталиги, барқарорлиги ва бошқа кўплаб масалаларни ҳал этиш йўлини тутмоғимиз даркор. Жойлардаги мутасадди шахслар ана шу масалалар билан деярли ҳар куни қизиқиб туришлари шарт. Кўппартиялилик шароитида ўтадиган сайлов алоҳида масъулиятли. Бу қанчалик демократик жараён, эркинлик мезони бўлса, шунчалик катта сиёсий маданиятни, аниқ тартиб-интизомни, қатъий иродани талаб этадиган, жавобгарликни чуқур ҳис қилишни тақозо қиладиган ижтимоий-сиёсий ҳодисадир.

«Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқароларигина Ўзбекистон Республикаси сиёсий партияларининг аъзолари бўлишлари мумкин. Шуниси ҳам борки, бир сиёсий партиянинг аъзоси айни пайтда бошқа сиёсий партиянинг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Давлат сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишини таъминлайди. Фуқаронинг сиёсий партия фаолиятида иштирок этиш-этмаслиги, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш учун ёки унга афзалликлар бериш, шу жумладан давлат хизматида лавозимни эгаллашга бирон-бир шарт-шароит яратиб бериш учун асос бўлиб хизмат қила олмайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, барча сиёсий партиялар Қонун олдида тенгдирлар. Уларнинг ҳуқуқлари тегишли Қонунлар ва ўз Низомларида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, шунга мувофиқ ўз фаолиятларини эркин амалга ошириш, ўз мақсадлари ҳақида ахборот тарқатиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси шундай давлат ҳокимияти органларидан биридир.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта бутунлай янги шароитларда сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислоҳотлар, кенг қамровли янгиланишларнинг амалга оширилиши йирик тарихий ва ижтимоий ҳодиса. Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар бу ишларнинг энг муҳими ҳисобланади.

90-йиллар бошида ёш мустақил давлатлардаги сиёсий вазият шундай эдики, улар олдида ижтимоий ривожланишнинг икки йўли турар эди. Биринчиси, халқ хўжалигини аввалгидек социалистик йўналишда ривожлантириш, иккинчиси, тараққиётнинг социалистик ҳам, капиталистик ҳам эмас, балки жаҳон амалиёти синовидан ўтган бозор иқтисодиётига асосланган адолатли, демократик жамият қуриш йўлидан бориш эди.

Маълум бўлдики, тузумнинг социалистик тараққиёт йўли совет жамияти мисолида мутлақо ўзини оқламади. У маъмурий-буйруқбозлик усулига асосланган бўлиб, халқнинг ижодий, эркин меҳнатига қулай шароит яратмас эди. Иккинчиси эса, ривожланган мамлакатлар синовига бардош берган, халқнинг турмушини яхшилашга қаратилган йўл эди. Ўзбекистон шуни танлади, шу йўлнинг сиёсий ва ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган ислоҳотларни амалга оширишга дадиллик билан киришди. Шу тариқа Ўзбекистон мустақил, ҳуқуқий, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлига кирди, бозор иқтисодиётига ўтиш, халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида жаҳон ҳамжамиятига кириш йўлини тутди. Президент И. Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида **«Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак»**, — деб кўрсатган эди. Айни чоғда сиёсий соҳада бу: **«... Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш, жамиятнинг сиёсий тизимини, давлат идораларининг тузилишини тубдан яхшилаш, республика ҳокимияти ҳамда маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириш мумкин,»** — деб таъкидлаган эди. Ана шу йўл-йўриқлар ва кўрсатмалар асосида мамлакатда муҳим ишлар амалга оширилди.

Булар демократик тамойилларга асосланган ҳокимият бўлинишининг энг халқчил ва замонавий шакллари ҳисобланади. Айни пайтда бу соҳада туб ислоҳотларни амалга ошириш зарурати борлигини ҳам кўрсатади.

Биринчидан, шу вақтга қадар Ўзбекистонда собиқ иттифоқ даврида қабул қилинган айрим қонун ва меъёрий ҳужжатлар ҳамон амалда бўлиб, улардан бутунлай воз кечиш вақти етган эди. Чунки, у мазмун ва моҳияти янгиланаётган давлат ва жамият учун мутлақо мос келмас ва ҳатто, янги жамият олдида турган туб мақсадларни амалга оширишга монелик қилар эди.

Иккинчидан, Ўзбекистон ўз олдига адолатли ҳуқуқий демократик давлат қуриш, тараққиётнинг бозор иқтисодиётига асосланган йўлидан бориш ва инсонпарвар фуқаролик жамиятини шакллантириш вазифасини мақсад қилиб қўйган эди. Бу борада ривожланган мамлакатлар, шунингдек, миллий озодлик ҳаракатлари орқали мустақилликка эришган ва тараққиёт йўлига кирган бошқа қатор давлатлар қонунчилик тажрибасидан фойдаланиш лозим эди.

Учинчидан, мустақил тараққиёт йўлида вужудга келаётган миллий давлатчилик тизими ҳар қандай мафкуравий таъсирдан ҳоли, халқнинг ўзига хос тарихий, ахлоқий-маънавий ва руҳий қадриятларига мос бўлмоғи лозим.

Сессиялар ишида Ўзбекистон Президентининг бевосита иштироки, унинг қонунларни ишлаб чиқиш жараёнини янада такомиллаштиришга муттасил эътибор бериши Ўзбекистон Парламенти фаолиятининг кўнгилдагидек бўлишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Маълумки, Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ биринчи сессиясида И. Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» мавзуида кенг қамровли маъруза қилиб, унда республика босиб ўтган ўзгаришлар йўлини ҳар томонлама таҳлил этди ва «Ўзбекистон янги аср бошида» деган узоқ муддатга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиш вазифасини қўйди. Бундай дастурнинг йўналишлари асослаб берилди. Президент кейинги сессиялардаги нутқларида жамият ривожига доир муҳим қоидаларни янада чуқурлаштирди ва аниқлаштирди, янги мазмун билан бойитди. Жумладан, у Олий Мажлиснинг VI сессиясида «Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари» мавзуида нутқ сўзлар экан: **«Демократлаштириш ва турмушимизнинг барча соҳаларида туб ислоҳотлар ўтказиш жараёни узоқ ва узлуксиз давом этадиган жараён эканини аниқ билиб олишимиз керак... Бугунги кунда гап, энг аввало, сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг вазифалари ва Дастури тўғрисида бориши керак»**, — деб таъкидлади. Шунинг учун ҳам Олий Мажлиснинг навбатдаги вазифаси — қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёр ва стандартларга мувофиқ ҳолатга келтириш, деб уқтирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси шу давр мобайнида ўз фаолияти давомида мазмун-моҳияти билан аввалги Олий Кенгашдан бутунлай фарқ қилувчи олий вакиллик давлат органига айланиб борди. **Биринчи фарқ шундаки,** аввал кўрганимиздек, Олий Мажлисга сайлов кўппартиявийлик асосида ўтказилди. Ҳар бир сайлов округидан 2-3 номзод депутатлик учун курашди. Сайловчиларга амалда ана шу номзодлардан танлаб олиш ҳуқуқи берилди. Шундай кўппартиявийлик тамойили Олий Мажлис ишида ҳам жорий этилди.

**Иккинчидан**, Олий Мажлисга, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловларни ташкил қилишда синфий ёндашув нодемократик тамойил сифатида рад этилди.

Аввалги сайловларда Олий Кенгашни шакллантириш жараёнида ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг ўрни ва сони олдиндан белгилаб қўйилар эди. Бунинг устига, Парламентда ва маҳаллий кенгашларда вазифаси бўйича албатта депутат бўлувчи ўринлар ҳам мавжуд эди. Кейинги сайловларда бундай ёндашувдан воз кечилди.

Олий Мажлис депутатлари турли партия ва ҳаракатларнинг вакилларидан иборат номзодлар орасидан муқобиллик асосида сайланди. Республика фуқаролари сайловларда, энг аввало, номзодларнинг ижтимоий келиб чиқишига эмас, аксинча, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий сифатларига, энг муҳими дастурларининг мазмун-моҳиятига эътибор бердилар.

**Учинчидан,** Парламентнинг кучи депутатларнинг ўз сайловчилари билан кундалик муносабатида, яқин мулоқотида эканлигидан келиб чиқиб, Олий Мажлис сайловчилар билан узвий алоқада бўлди. Аввалги Парламентда бу масалага унча эътибор берилмаган эди. Ҳаёт шуни кўрсатдики, сайловчилар Олий Мажлисда қандай қонунлар муҳокама қилинаётгани ва қабул этилаётганидан хабардор бўлиб туриши, депутат эса ҳаётнинг энг долзарб, қайноқ нуқталарида аҳоли билан бирга бўлиши керак. Шунинг учун ҳам муҳим давлат аҳамиятига эга масалалар муҳокама қилинаётганда Олий Мажлис депутатлари ўз сайловчилари ҳузурида бўлдилар.

Демократик жамиятда ўтказиладиган сайловларнинг моҳияти том маънода инсон эркинлиги ва бу Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» номли маърузасида алоҳида таъкидланди ҳамда Ўзбекистонда вужудга келтирилаётган инсонпарвар жамиятнинг моҳияти ана шунда деб эътироф этилди. Бунинг учун Президент И. Каримовнинг таъкидлашича, **биринчидан,** мамлакат сиёсий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш зарур.

Сиёсий соҳани эркинлаштириш бевосита фуқароларни озод сўз, озод фикр асосида яшашга даъват этиш билан боғлиқ. Уларни яқин ўтмишдан қолган фикрий боқимандалик, фикр танбаллити ғоявий фикрсизлик, ижтимоий фаолиятда бўшанлик иллатларидан қутқариш зарур. Шу йўл билан ўз ҳуқуқларини қутқаришга онгли фуқаролар жамиятини вужудга келтириш даркор.

**Иккинчидан,** жамият маънавиятини янада юксалтириш. Бу соҳада ҳар бир фуқаро маънавий-ахлоқий шаклланиши, маданий даражасини ошириш вазифаси олдимизга долзарб қилиб қўйилади.

Маънавий жиҳатдан эркин ва озод бўлган шахс ўз ҳаётини ўзи йўлга сола билади. Ўз тақдирини ўзи ярата олади. Маънавий жиҳатдан етук шахс имон-иродаси мустаҳкам, эътиқоди юксак, виждон амри билан яшайдиган шахсдир. Ана шундай фуқаролардан иборат жамият ҳар қандай ислоҳотларга қодир бўлади ва ҳар қандай муаммо ҳамда қийинчиликларни енга билади.

Бугунги Ўзбекистон фуқароси тафаккури тубдан ўзгарган ва ана шу ўзгарган тафаккур орқали ҳаёт мазмунини ўзгартираётган, турмуш тарзини янгилаётган ва ана шу маънавий-руҳий жараёнлар орқали ўзини ҳам, жамиятни ҳам тубдан янгилаётган **комил шахс** сифатида кўзга ташланади.

**Комиллик ҳақида гапирдик.** Албатта бу нисбий тушунча. Умуман олганда, ҳаёт нисбий тушунчалардан иборат. Мутлоқ ҳақиқатга айланган фикрлар ва ғоялар фақат даҳоларгагина хос. Бироқ, ана шу энг кичик фикрдан тортиб, энг буюк ғояларни ифодалаб берадиган ҳур ва озод сўз бор экан, тараққиёт абадий, ҳаёт эса пойидордир.

Баркамоллик, етуклик чексиз янгиланишлар жараёнининг маҳсули сифатида дунёга келади. Ҳали орамизда ноқобил, ғоявий жиҳатдан айниган, маънавий жиҳатдан етилмаган одамлар бор экан, комилликка эҳтиёж, етукликка даъват ҳамиша долзарб бўлиб қолаверади.

Бироқ, **Ўзбекистонда тарихан ниҳоятда қисқа даврда сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий соҳада қўлга киритилган ютуқлар, миллий давлатчиликни қарор топтириш, шахс эркинлиги ва озодлиги йўлида амалга оширилган вазифалар мамлакат фуқаролари умумий маънавий қиёфасини, Ўзбекистон фуқароси феноменини, унинг менталитетини белгилайди.**

Халқнинг ўзига хослигини, унинг даҳолик қудратини, яратувчилик, бунёдкорлик ва ижодкорлик истеъдодини айни тафаккур маҳсули ва тафаккур ифодаси бўлган хатти-ҳаракатлар билан баҳолаш мумкин. Шу билан бирга янгиданянги туғилаётган ва тобора шаклланиб бораётган миллий ғоя, миллий тафаккур ва унинг асосида дунёга келаётган турмуш тарзи бевосита **озод ҳаракат, озод фикр** маҳсулидир.

Истиқлол бизга жуда кенг имкониятлар яратиб берди. Бу имкониятларнинг энг қадрлиси **озод яшаб, озод фикрлаб, озод меҳнат қилиш.** Ҳур фикр, ҳур сўз, ҳур ғоя том маънодаги инсонийлик моҳиятини, унинг инсонлик қадриятини, ҳаёт ва жамиятдаги ўрнини белгилайди. Худди ана шу жиҳатдан қараганда, эркинлик ва ҳуррият, фуқаролик бурчи, инсонийлик шаъни, жамиятга дахлдорлик масъулияти нақадар оғир ва шарафли эканлигини яққол кўрсатади.

**Одилбек ЮСУПБЕКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг магистри.**

# ТАШАББУСКОР ГУРУҲ

## уни тузиш тартиби ва ваколати хусусида

Шу йилнинг якунланиши ва 2000 йилнинг бошланиши мамлакатимизда сайловлар даври сифатида тарих саҳифаларида муҳрланади. Халқимиз ўзларининг ишонган вакилларини Олий Мажлисга депутат этиб сайлайдилар. 2000 йилнинг 9 январида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ҳам сайлов ўтказилади. Айтиш мумкинки, юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, янги асрдаги ривожимиз ана шу сайловлар натижаларига боғлиқ. Шу боис айни кунларда ўтказилажак сайловларга тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Сайловларни демократик тамойилларга риоя этган ҳолда қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик асосида ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳақда кеча Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида республика ва чет эл журналистлари билан ўтказилган анжуманда ҳам кўп бор таъкидланди.

Унда Марказий сайлов комиссияси раиси Нажмиддин Комилов сайловларга тайёргарлик борасида қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Анжуманда таъкидланганидек, айни пайтда мамлакатимиздаги бешта сиёсий партиялар томонидан берилган аризалар кўриб чиқилиб, уларга Олий Мажлис депутатлигига ўтказиладиган сайловларга қатнашиш учун ижозат берилди. Шу кунларда ушбу партиялар ўз қурултойларини ўтказиш тадоригида турибдилар. Шу билан бирга, матбуот анжуманида Парламент депутатлигига бевосита фуқаролар, яъни сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш хусусида ҳам гап борди.

Маълумки, номзодлар кўрсатиш муддати бошлангандан буён ташаббускор гуруҳлар ҳам ўз фаолиятларини бошладилар. Буни чинакам демократиянинг ёрқин кўриниши сифатида баҳоламоқ жоиз. Шу ўринда ташаббускор гуруҳ нима, уни кимлар ва қандай тартибда тузади, деган саволлар кўпчиликни қизиқтириши табиий. Биз ушбу саволлар билан Марказий сайлов комиссияси котиби Анвар САЪДУЛЛАЕВга мурожаат қилдик.

— Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ташаббускор гуруҳ тузиш ҳуқуқига эга, — дейди, жумладан, А. Саъдуллаев. — Бунинг учун, дастлаб, тегишли сайлов округининг камида юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар гуруҳи тузилиб, йиғилиш ўтказилиши ва ташаббускор гуруҳнинг ваколатли вакилини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиш керак. Ташаббускор гуруҳ йиғилишининг кун тартибидаги иккинчи масала тегишли сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш масаласи бўлиб, бу ҳақда ҳам тегишли қарор қабул қилинади. Шундан сўнг ушбу йиғилишнинг қарори ва баёни округ сайлов комиссиясига тақдим этилади. Округ сайлов комиссияси мазкур ҳужжатларнинг Қонун талабларига мувофиқлигини аниқлаб, ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинганлиги тўғрисида қарор қабул қилиб, ташаббускор гуруҳга рўйхатга олинганлик тўғрисида гувоҳнома тақдим этади.

**— Ҳужжатлар рад этилиши ҳам мумкинми?**

— Мумкин. Аммо ташаббускор гуруҳни рўйхатга олиш рад этилган тақдирда округ сайлов комиссияси асослантирилган жавоб бериши шарт. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдорида кўрсатилаётган номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзоларини тўплаши керак.

**— Анвар Набиевич, айтингчи, битта сайлов округида нечта ана шундай ташаббускор гуруҳлар тузиш мумкин?**

— Биласизми, бу ҳар бир округдаги сайловчиларнинг умумий сонига боғлиқ. Мамлакатимизнинг бутун ҳудудидаги сайловчилар тенг тарзда тақсимланган ҳолда 250 та сайлов округлари тузилди. Ҳар бир округдаги сайловчилар сони ўртача 49,9 минг сайловчидан иборат қилиб белгиланди. Агар бир сайловчининг битта номзодни қўллаб бир маротаба имзо қўйиши мумкинлигини инобатга олсак, демак, ҳар бир округда тахминан ўн-ўн иккита сайловчилар ташаббускор гуруҳлари тузилиши мумкин бўлади дея оламиз. Ҳозиргача республикамизда йигирмадан ортиқ ана шундай гуруҳлар ўз фаолиятларининг биринчи босқичини амалга оширмоқдалар.

**Суҳбатдош:**
**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

***Сайлов — демократиянинг муҳим белгиси. Сайловларда юрт, халқ истиқболининг тамал тоши қўйилади. Модомики шундай экан, у ҳам муайян қонунлар асосида амалга оширилади. Айни пайтда мамлакатимизда сайлов тизимини равнақ топтираётган қатор қонунлар амалда қўлланилмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунлар ана шулар жумласидандир. Улар ҳар бир сайловчининг сайлов жараёнидаги ҳақ-ҳуқуқлари йўлида хизмат қилмоқда. Энди асосий гап фуқароларимизнинг мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини англаб, тушуниб етишларига боғлиқ. Зеро, барчамиз ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни ушбу адолатпарвар қонунларимиз замирида топишимиз шубҳасиз. Шу боис бу ҳақдаги қонунларимизнинг айрим моддаларини яна эътиборингизга ҳавола этамиз.***

«Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суднинг ҳукмига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашмайдилар».

**(«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасидан).**

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлови умумийдир. Ўзбекистон Республикасининг сайлов кунигача 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Сайлов кунигача 21 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида ҳокимиятнинг иккитадан ортиқ вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас».

**(«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасидан).**

# БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ТИКЛАНМОҚДА

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Буюк Ипак Йўлини қайта тиклашга бўлган қизиқиш ва эътибор, айниқса Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин орта бошлади. Зеро, ўтмишда Ўзбекистон мазкур қадимий карвон йўлининг юраги ҳисобланган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Давлатимиз бу кўҳна йўлни тиклаш борасидаги халқаро тадбирларнинг бош ташаббускори бўлаётгани ҳам шундан.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, халқаро интеграциялашув жараёни жадал олиб борилмоқда. Бундай долзарб вазифани эса маҳаллий ва халқаро йўл тармоқларини ривожлантирмасдан амалга ошириш мушкул. Чунки, давлатимизнинг жадал суръатда жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиши йўл хўжаликларининг самарали ишлаши билан чамбарчас боғлиқдир. Замонавий бозор иқтисодиёти ҳам шуни талаб қилади. Ана шуни ҳисобга олган ҳукуматимиз мамлакатда йўл тармоқларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Бугунги кунда республикамиздаги барча аҳоли турар-жойлари, халқ хўжалиги иншоотларини бир-бирига боғлаб турган 138 минг километрлик йўл қаттиқ қопламалидир. Бу борада Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида етакчи ўринда туради.

Йўл тармоқларини замон талабига мослаш, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорларига чиқиши учун янги-янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Масалан, "Андижон-Тошкент-Нукус-Қўнғирот" тезюрар магистрали лойиҳаси устида олиб борилаётган иш бунга далил бўла олади. Буюк Ипак йўли дастурининг асосини ташкил қилувчи "Тошкент-Андижон-Ўш-Қашқар" автомобиль йўли эса Европани мамлакатимиз ҳудуди орқали Хитой Халқ Республикаси, ундан кейин эса бутун Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан боғлайди. Бу йўлнинг ишга туширилиши минтақадаги барча давлатлар иқтисодининг юксалишига ва минтақа халқлари турмушининг фаровонлашувига яна бир имкон яратади. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур йўналишдаги йўлнинг катта қисми, хусусан, 398 километрлиги ҳамда "Қамчиқ" ва "Резак" довонларидаги ерости йўли қурилиши ўзбекистонлик йўлсозлар томонидан амалга оширилмоқда.

Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш 1993 йили Брюссел учрашувида "Европа-Кавказ-Осиё" – ТРАСЕКА транспорт йўлагини ташкил этишдан бошланган эди. Ўшанда ушбу масала бўйича декларация кабул қилинганди. Зеро, Буюк Ипак Йўлини тиклаш замонамизнинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланган. Бундай йирик халқаро лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон фаол иштирок этаётгани эътиборга моликдир.

Анжуманнинг биринчи кунида йўл таранспорти тармоқларининг ривожи ҳамда мавжуд йўл инфратузилмалари ҳақида иштирокчи мамлакатларнинг ҳисоботи тингланди. Мазкур ҳисоботлар шуни кўрсатмоқдаки, Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш барча давлатлар учун ҳам бирдек аҳамиятлидир ва улар бу йўлда фаол саъй-ҳаракат кўрсатмоқда.

Анжуман давом этмоқда.

**(ЎзА).**



Ғузор туманидаги «Истиқлол» жамоа хўжалиги ижарачиси Орол Раҳимовнинг бу йил кайфияти баланд. 112 тонна ғалла олиб, режани бажарди, омбори донга тўлди. Эндиликда эса бутун диққат эътибори, далаларида лўппи бўлиб очилган пахта йиғим-теримига қаратилган. Ҳозир бу соҳадаги режа ҳам охирлаб қолди. Ҳадемай салкам 40 центнерлик хирмон ҳам бўй чўзади — унинг эл-юрт олдида берган ваъдаси адо этилади.

Орол ака Раҳимов (суратда) ана шундай бир сўзли одам!

**Р. СОДИҚЗОДА олган сурат.**

